

**Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги
ва унинг тасарруфидаги корхона
ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари**

I Умумий қоидалар

1. Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги ва унинг тасарруфидаги корхона (кейинги ўринларда - Агентлик деб юритилади) ходимларининг одоб-ахлоқ қоидалари (кейинги ўринларда - одоб-ахлоқ қоидалари деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 29 августдаги “Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури тўғрисида” 466-1-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 20 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг Интеллектуал мулк агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2637-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 ноябрдаги 394-сон Қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги тўғрисидаги Низом ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 2 мартдаги 62-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ходимларининг одоб-ахлоқ намунавий қоидалари”га мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Агентлик ва унинг тасарруфидаги корхона ходимлари (кейинги ўринларда - Агентлик ходимлари деб юритилади)нинг касб одобномаси асосларини белгилайди.

2. Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари Агентлик ходимларининг этика стандартларини, ҳулқ-атвори ва ўзини тутиш маданиятини ҳамда меҳнат фаолиятининг ахлоқий ва эстетик асосларини белгилашга йўналтирилган.

3. Агентликка ишга кираётган барча шахслар мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари билан имзо қўйдирган ҳолда таништириладилар ҳамда унга риоя этишлари шарт.

4. Мазкур Одоб-ахлоқ қоидалари эгаллаб турган лавозимидан қатъий назар Агентликнинг барча ходимларига тааллуқлидир.

II Агентлик ходимлари фаолиятининг ахлоқий-эстетик асослари

5. Агентлик ходими фаолиятининг ахлоқий асосларини ҳалоллик, холислик, принципиаллик каби хислатлар ташкил этиши ҳамда виждонан инсоф билан иш тутиши, тўғрилиқ ва одилликка риоя этиши лозим.

6. Ҳалолликни таъминловчи омиллардан бири қонунларга оғишмай риоя этиши, таъмагирлик мақсадида сансалорликка йўл қўйиши, хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиши тақиқланади.

7. Меҳнат фаолияти билан боғлиқ ишларни олиб бораётганда ходимнинг ёлғон гапириши, адолат билан иш тутмаслиги Агентлик фаолиятида ходимга нисбатан ишончсизликни келтириб чиқаради.

8. Агентликни давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда кенг жамоатчилик ўртасидаги обрў-эътибори ва мавқеини юқори даражада бўлишини таъминлашга барча ходимлар масъулдирлар.

III Агентлик ходимларининг касб ахлоқининг хусусиятлари

9. Агентлик ходимларининг касбий бурчининг асосий мазмунини ташкил этувчи вазифа ва мажбуриятлар қуйидагилардан иборат бўлиши лозим:

лавозим мажбуриятни бажаришда ҳалол ва тўғри, меҳнатсевар, интизомли бўлиб барчага намуна бўлиши;

касбга оид билимларини мунтазам равишда ошириб бориши, ўз кўникма ва маҳоратини такомиллаштириши;

ўз бурчини ижро этиш чоғида оқилона ташаббус кўрсатиши, бошқаларга нисбатан ҳурматда бўлиши ва инсоний кадр-қимматини ҳурмат қилиши, жамоада хушмуомалали, виждонли ва одобли бўлиши, ўзаро биродарликни эъозлаши, бир-бирига сўз ва иш билан ёрдам бериш, бир-бирининг ор-номуси ва обрўйини ҳурмат қилиши, ўзини ва меҳнат жамоасининг таҳқирланишига йўл қўймаслиги, ҳамкасбларини нолайиқ қилмишлардан тўхтатиши;

Агентлик ходими имиджини ва мавқеини сақлаш, мустаҳкамлашни доимий равишда таъминлаш;

сийсий, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқлик, шунингдек шахсий важлар ва бошқа субъектив сабаблар қонун ҳужжатлари талабларини ва Одоб-ахлоқ қоидаларини бузиши учун асос бўла олмайди;

коррупция ҳолатларига қарши курашиши ва уларнинг олдини олишга фаол кўмаклашиши;

ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларини уларни ҳуқуқбузарликлар содир этишга оғдириш мақсадида бирор-бир шахсларнинг қилган мурожаатларининг барча ҳолатлари тўғрисида, шунингдек бошқа давлат хизматчилари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлган ҳар қандай ҳолатлари ҳақида хабардор қилиши (*бунда раҳбар ходимлар қонунчиликнинг бузилиши фактлари тўғрисида мурожаат қилганлиги муносабати билан ёки билдирилган фикр ва мурожаатдаги танқиди учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун шундан бўшатилишига ёхуд бошқача шаклда таъқил қилинишига йўл қўймаслигини таъминлаши*);

касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган ахборотнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришлари шарт, уларнинг ошкор этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб бериши;

доимо озода ва ораста кийиниши.

10. Раҳбар ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионализм, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, Агентликда, унинг таркибий бўлинмаси, тасарруфидаги корхонада маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим, у бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чиқиб кетадиган топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойга қўйиш ҳолатларига йўл қўймаслиги керак. У гуруҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизм кўринишларининг, шунингдек ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг қатъий равишда олдини олиши лозим.

Раҳбар:

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларни самарали бошқариши, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт;

ўзига бўйсунувчи, хизматдаги хулқ-атвори принциплари ва қоидаларини бузаётган ходимларнинг хатти-ҳаракатларига (ҳаракатсизлигига) йўл қўймаслиги чораларини кўрмагани учун жавоб беради.

IV Агентлик ходимларининг меҳнат жамоасидаги ахлоқий-эстетик қоидалари

11. Ҳар бир ходим ишга Агентликнинг Ички тартиб қоидаларида белгиланган вақтда, кечикмасдан келиши ва ҳамкасблари билан очиқ чехра билан саломлашиши зарур, кайфияти бузилган бўлса меҳнат жамоасига сездирмаслиги, жиғибийрон бўлиб ўзгаларни ҳам безовта қилмаслиги керак;

ишхонада меҳнат жамоаси билан овозни пасайтириб, хушмуомилалик билан мулоим сўзлашиш, дағалликка қўл қўймаслик, ўзгаларнинг суҳбатига аралашмаслик, сўзларини хуфиёна тингламаслик, тасодифан эшитиб қолган сўзларни ўзгаларга етказмаслик, қолаверса, сабабсиз ўзгаларнинг бажараётган ишларига аралашмасликлари лозим;

ўзаро “сиз”лаб мурожаат қилиш;

ходимнинг исмини бузиб айтмаслик (исмга бўлган ҳуқуқини бузмаслик), уятли ва ҳақоратли сўзларни, лақаб ва номларни ишлатмаслик, қўполлик ва беодоблик қилмаслик;

раҳбар ходимларга хушомадгўйлик, лаганбардорлик қилмаслик, уларнинг ва ўзининг обрў-иззатини сақлаш, улар билан суҳбат чоғида фақатгина ишга таалуқли масалалар хусусида сўз юритиш, бошқа ишлар ёки гапларга чалғитмаслик, ўзидан ёши ва лавозими катта ходимларнинг танқид ва танбеҳларини тўғри қабул қилиш, хато-камчиликларини йўқотиш чораларини кўриш;

раҳбар ходимларнинг хонасига кирганда рухсат сўраш ва саломлашиш, ташриф сабабини тушунтириш, ўтиришга ижозат беришни сўраш;

ҳамкасбининг иш қуролларидан-қалам, ручка, қоғоз, елим, ишлаш учун зарур бўлган техника воситаларидан уларнинг рухсатисиз фойдаланишга йўл қўймаслик, фойдаланиш учун рухсат сўраш одобига риоя қилиш;

маслаҳат сўраган ҳамкасбига иложи борича тўғри маслаҳат бериш билганини сидқидилдан ўргатиш, тушунмаган масалаларни тушунтириб бериш керак. Ҳамкасбининг ишидаги ёки феъл-атворидаги камчилиги учун унинг устидан асло кулмаслик, масхараламаслик лозим;

қўлни кийим (шим) чўнтақларига тиқиб юрмаслик;

махсус ажратилган жойлардан бошқа жойларда чекмаслик;

ҳар хил бекорчи ишлар (компьютер ўйинлари, кино-фильмлар, бадиий китоблар, қўл телефони гаджетлари) билан чалғиб, ўзининг ҳам бошқаларнинг ҳам вақтини зое кетказмаслик керак;

бетоб бўлиб қолган ҳамкасбининг ҳолидан хабар олиш, ундан кўнгил сўраш, имкони бўлса, муҳтож бўлса ёрдам бериш керак;

ҳамкасбларининг ютуқларига бахиллик, хасад қилмасдан қувониш, хавас билан қараб интилиш керак

Бу талабларни бажариш Агентлик жамоасининг ҳар бир аъзосининг бурчидир.

V Манфаатлар тўқнашуви

12. Агентлик ходимлари мансаб ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида манфаатлар тўқнашувига олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслиги керак.

Хусусан:

патент вакили томонидан Агентликка тегишли талабнома топширилганда, эксперт унинг қариндоши бўлган тақдирда бу ҳақида бевосита раҳбарини ва Агентлик Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссия (кейинги ўринларда-Комиссия деб юритилади)ни хабардор қилиш;

талабнома берувчи томонидан ихтиро, фойдали модел, саноат намунаси, товар белгиси, товар келиб чиққан жой номи ва бошқа интеллектуал мулк объектларига талабномалар топширилганда, эксперт унинг қариндоши бўлган тақдирда бу ҳақида Комиссияни хабардор қилиш;

Агентликнинг экспертиза бўлимлари ходимларининг мустақиллиги, иш жараёнида шаффофлиги ва холислигини таъминлаш ва бу тамоилларга экспертларнинг қатъий риоя қилишligини талаб қилиш;

патент вакиллари ёки талабнома берувчиларни Агентликнинг экспертиза бўлимлари ходимлари билан тўғридан-тўғри муносабатини чеклаш чораларини кўриш;

интеллектуал мулк соҳасидаги қонунчилик талабларига риоя қилиниши бўйича мониторинг ўтказиш жараёнида пора таклиф қилган шахслар ҳақида тегишли давлат органларига зудлик билан хабар бериш;

Агентлик томонидан давлат харидларини амалга ошириш жараёнида ошкоралик, шаффофлик ва очиқ-равшанликни ҳамда шахсий манфаатдорликка йўл қўймаслик чораларини кўриш;

Агентлик ходимларини хорижий хизмат сафарларига юбориши жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлаш;

Агентлик ходимларини турли даражадаги мукофотлар билан тақдирлаш ёки тавсия этиш жараёнида очиқлик ҳамда шаффофликни таъминлаш.

13. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда, Агентлик ходимлари ўзининг бевосита раҳбарини, раҳбар эса Комиссияни дарҳол хабардор қилиши керак. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисида маълумотлар олган таркибий бўлинма раҳбари Комиссиянинг хулосасига кўра, бу тўқнашувнинг олдини олиш ёки уни бартараф этиш юзасидан ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

14. Манфаатлар тўқнашуви Агентлик ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолларда юзага келади. Агентлик ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек улар яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

15. Агентлик Одоб-ахлоқ комиссияси манфаатлар тўқнашувини ҳал этиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан мониторингни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

16. Агентликнинг манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ёки уни бартараф этиш талаблари бузилишига йўл қўйган ходимлари, шунингдек уларнинг раҳбарлари тегишли тартибда жавобгар бўлади.

VI Агентлик ходимларининг ташқи кўриниш маданияти

17. Агентлик ходимларининг кундалик иш кийими стандарт жамламаси классик бичимдаги:

эркаклар кийими – пиджак (қишда жемпер), пиджак рангига мос келувчи тўқ рангдаги шим, кўйлак (қизил, яшил, бачкана рангдаги ман этилади), классик услубдаги (спорт кийими ман этилади *хизмат сафари бундан мустасно*) оёқ кийими;

аёллар кийими – блузка, юбка ёки кўйлак тиззадан калта бўлмаган содда, хушбичим ёки (ялтир-юлтир, пляж кийим ман этилади) классик бичимдаги пиджак ва шим ҳамда қулай оёқ кийимидан ташкил топади.

18. Шахсий озодалик, яъни бадан, юз-қўл, сочларини тоза тутиши, узун сочли аёллар сочларини йиғилган ҳолда ёки классик услубда турмаклаши, эркаклар соқолни олиш, мўйлабни тартибга келтириш лозим.

VII Агентлик ходимларининг музокараларни олиб бориш одоби

19. Агентлик ходимлари музокараларни олиб бориш маданияти, шунингдек хизмат телефонида сўзлашиш қоидаларига риоя қилишлари шарт, музокараларни осойишталик ва хушмуомалалик ҳолатида ўтказиш лозим.

20. Хизмат телефонида сўхбатдошининг сўзларини диққат билан эшитиш, керакли маълумотларни ёзиб олиш, сўхбатдошининг гапини асло бўлмаслик керак.

21. Хизмат телефонида аниқ, равшан ва қисқа сўзлашиш, давлат ва хизмат сирларини ошкор қилмаслик, ғийбат, фитна, миш-мишларни эшитмаслик ва гапирмаслик, узоқ банд қилиб турмаслик, айниқса хизмат телефонидан шахсий мақсадларда кўп фойдаланмаслик, баланд овозда сўзлашмаслик, ўз иш жойларида тинч ва ишчанлик муҳитини яратиш, кўшни бўлимдаги ҳамкасбларга ҳалақит бермаслик зарур.

22. Агентликда мобил алоқа воситаларидан фойдаланишда чақирув қўнғироқларини пасайтириш, сўзлашувни паст овозда олиб бориш, раҳбарлар хонасига кирганда, йиғилишлар, мажлислар ва тадбирлар вақтида ўчириб қўйиш шарт.

VIII Одоб-ахлоқ қоидаларини бузганлиги учун жавобгарлик

23. Агентлик ходими томонидан Одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши уни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлиши мумкин.

24. Ходимнинг ушбу Қоидаларга риоя этганлиги аттестация, юқори лавозимга тайинлаш ва раҳбар кадрлар захираси рўйхатига киритиш вақтида ҳисобга олинади.

25. Одоб-ахлоқ қоидалари нормаларининг бузилиши Агентлик Одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича комиссия томонидан кўриб чиқилади.

Комиссия томонидан ўрганиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқа тарзда қоида бузилишларининг мавжуд ёхуд мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса чиқаради ва Агентлик раҳбарига жавобгарликка тортиш ёки акси бўйича таклиф киритади.

Комиссия айбдор ходимга нисбатан қоида бузилишининг оғир енгиллигига қараб, огоҳлантириш чорасини қўллаши мумкин.

Агентлик ходими йўл қўйган қоида бузилиши бўйича ўзини ҳимоя қилувчи маълумот ёки ҳужжатларни далил сифатида Комиссияга тақдим этиб, ҳимояланиш, шунингдек, шаъни ёки шахсияти юзасидан Комиссия томонидан йўл қўйилган ўзбошимчалик ҳолатлари юзасидан Агентлик раҳбарига шикоят мурожаати билан чиқиш ҳуқуқига эга.